2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 231 (1020), 2023 йил 7 ноябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

**8-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) ўн олтинчи саммити бўлиб ўтади.**

Тадбирда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Туркиянинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, ИҲТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Саммит дастури доирасида Ўзбекистон етакчиси қатор икки томонлама учрашувлар ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1985 йилда асос солинган, унинг доимий фаолият юритувчи котибияти Теҳрон шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб ИҲТ аъзосидир.

**ЎзА**

### ИҲТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ:

## КЕНГ МИНТАҚАГА ТЕГИШЛИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ЯНГИ МАЙДОН

### Тарихда илк маротаба Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтади

**8-9 ноябрь кунлари Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) саммити бўлиб ўтади.**
**Мамлакатимиз 1992 йил ноябрь ойидан буён мазкур ташкилотга аъзо бўлса-да, ушбу тузилма тарихида ИҲТ доирасидаги кўп томонлама саммит илк бор юртимизда ўтказилмоқда.**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 1985 йилда Теҳронда (Эрон) ташкил топган минтақавий давлатлараро тузилма ҳисобланади.

ИҲТнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар ва транспорт-коммуникация соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсад ва вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ



## ТАРАҚҚИЁТ ДУНЁСИНИНГ ЯНГИ МАКОНИ

**Бугун жаҳонда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, ҳарбий, сиёсий тўқнашувлар, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, гибрид урушлар каби таҳдидлар ва ҳаракатлар давлатлар, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашни кун тартибига олиб чиқмоқда.**

Бундай шароитда мамлакатимизда амалга оширилаётган дўстона ва тинчликпарвар фаол ташқи сиёсат икки ва кўп томонлама алоқалар янги босқич ва қамровга эга бўлишида бош омил бўлиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш жараёни минтақавий ва глобал миқёсда янги имкониятлар ва воситаларни жалб этиш, минтақада барқарор ва уйғун ривожланишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, Ташкилот фаолияти самарадорлиги, саъй-ҳаракатларнинг амалий бўлишида стратегик аҳамият касб этмоқда.

### Туркий давлатлар ташкилоти ривожланиш эволюцияси

Эндиликда жаҳоний қамровга эга тараққиёт дунёсига янги давлатлар, минтақалар кириб келмоқда. Янги сиёсий кучлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, халқаро сиёсий муносабатларда ҳам жиддий ўзгаришлар кузатиляпти. Ўз навбатида, зиддиятлар, қарама-қаршиликларни биргаликда енгиб ўтиш зарурати минтақалар миқёсида ўзаро шериклик, мулоқот майдони ва ҳамкорлик институтларини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришни кун тартибига қўйди. Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Венгрия халқаро муносабатлар субъекти сифатида Туркий давлатлар ташкилотини (ТДТ) тузгани объектив зарурат сифатида юқоридаги жараёнларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Албатта, аъзо ва кузатувчи давлатлар ўта қийин геосиёсий жараёнларда ўз манфаатини ва истиқболини белгилаб олиши учун мазкур тизим муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## GSP+ БЕНЕФИЦИАР МАҚОМИДА ЮКСАЛИШ

### Ўзбекистон — Франция алоқаларининг янги саҳифаси

**Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий, таълим, фан ва саноат соҳаларидаги ҳамкорлик манфаатли дипломатик алоқаларни чуқурлаштириш асосида мустаҳкамланмоқда. Икки давлатнинг сармоявий ҳамкорлиги иқтисодиётнинг кўплаб соҳа ва тармоқлари, жумладан, машинасозлик, энергетика, кимё, атторлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, виночилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда илм-фан, туризмда яққол кўзга ташланмоқда.**

Франциянинг Ўзбекистон билан яқин иқтисодий алоқаларни кенгайтириб бориши юртимиз оддий хомашё етиштириб берувчи эмас, балки юқори қўшимча қиймат яратувчи диверсификация амалиётини ўтказаётган индустриал давлат сифатида жаҳон бозорида ўз ўрнини топаётганини кўрсатади.

Давоми 5-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАЁТГАН ФАРҒОНА



**Фарғона шаҳридаги “Чархий” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Динара Аҳмедова I гуруҳ ногирони. Қўлида ҳунари бўлмагани учун қаерга иш излаб борса, рад жавобини олаверарди. Унинг жонига “Ишга марҳамат” мономаркази оро кирди. Маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси билан марказдаги курсда ўқиб, махсус сертификатга эга бўлди.**

— Ҳаракатланишга қийналаман, аммо қўл имкониятларим яхши, — дейди Динара оддий қоғозлардан турфа гуллар ясаш асносида. — Уч ой бепул курсда ўқиб, стипендия ҳам олдик. Асосийси, оддий хомашёдан табиий ва гўзал буюмлар тайёрлаш ҳадисини беришди. Энди уйда ўтириб, ҳунар ортидан даромад топиб, оиламизга кўмак бериш имкониятига эгаман.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

## “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”ДАН “РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ”ГА

**Мамлакатимизда давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Боиси, ушбу тизим давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга.**

Давоми 3-бетда

АГРОТАРМОҚ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

### Имконият кенг, уни ўзлаштириш малакали кадрларга боғлиқ



**Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида кузатилаётган туб ўзгаришлар, янгиланиш жараёнида миришкорларимиз дунёқараши, меҳнатга муносабати ҳам буткул ўзгарди. Пировардида, йилдан-йилга самарадорлик ортиб боряпти. Бу жуда муҳим омил. Биринчидан, аграр тармоқ ривожи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги қўшилган қиймат яратишда нисбатан катта устунликка эга. Мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, соҳага бозор тамойиллари, илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш билан параллел равишда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Давоми 5-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ




### 2024-2026 йилларда республикамизда 1 миллион 100 минг фуқаро илк бор ичимлик сув билан таъминланади

**Мазкур йилларда сув таъминоти оғир саккиз юздан ортиқ маҳаллага ичимлик сув етказиб берилиб, 125 мингга яқин хонадонга тармоқлар тортилади. Бу борадаги тегишли вазифалар Президентимизнинг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилди.**

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозир ер юзида қарийб 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чекмоқда. 2030 йилга бориб мамлакатимизда ҳам сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.

Албатта, бу илмий далиллар хавотирли ва ҳар бир инсонни ўйлантириши керак. Шундай экан, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ИҲТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ:

# КЕНГ МИНТАҚАГА ТЕГИШЛИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ЯНГИ МАЙДОН

## ТАРИХДА ИЛК МАРОТАБА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзодир.

1995 йилдан буён ИҲТ БМТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб боришни ташкилотнинг бош котиби амалга оширади. У ИҲТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланади ва тайинланади.

2022 йилда Ўзбекистон илк бор Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди. Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 ноябрь куни ИҲТнинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган 15-саммитида сўзлаган нутқида савдо, сармоя, транспорт ва "яшил" иқтисодиёт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди. "500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур", деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз раисликни ўз зиммасига олар экан, Ўзбекистон ИҲТ доирасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз ИҲТга Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда тараққиётни яхшилаш, савдо ва сармоявий имкониятларни илгари суриш йўлларини муҳокама қилиш учун платформа сифатида қарайди.

Ўзбекистон ташкилот доирасида минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмалар тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топиш тарафдори.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Ашхободдаги саммитда "яшил" иқтисодиётни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, углерод нейтраллигига эришиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон, шунингдек, Афғонистонга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва зарур ёрдам кўрсатиш учун кучларни бирлаштириш тарафдори. Шу боис, давлатимиз раҳбари Афғонистон билан биргаликда ушбу мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва афғон халқини қўллаб-қувватлаш мақсадида минтақавий аҳамиятга молик йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишни изчил давом эттириш ташаббуси билан чиқди.

> **2023 йил 24 январда Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотга аъзо барча давлатлар ТИВ раҳбарлари илк бор иштирок этди. Учрашув якунлари бўйича Тошкент коммюникеси қабул қилинди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котибини қабул қилди.**

Бугунги кунда ИҲТ давлатлари Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланади. 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистон ва ИҲТ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард АҚШ долларини, 2023 йилнинг январь-июль ойларида эса 5,8 миллиард долларни ташкил қилди.

2018 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўртасида алоқалар фаоллашгани кузатилмоқда. Хусусан, 2018 йилдан буён ташкилот бош котиблари Халил Акча, Ҳади Сулаймонпур, Хусрав Нозирий, шунингдек, бош котиб ўринбосари Ҳусайн Бичакли Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистоннинг ушбу тузилма шафелигида ўтказилаётган халқаро тадбирлардаги иштироки ҳам сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистон расмий делегациялари бош прокурорлар, денгиз ташкилотлари раҳбарлари, транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари йиғилишларида, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг минерал ресурслар бўйича эксперт гуруҳи ва ветеринария ташкилотлари раҳбарлари учрашувларида иштирок этмоқда.

2020 йилдаги коронавирус пандемияси туфайли кўплаб тадбирлар онлайн тарзда бўлиб ўтди. Жумладан, ИҲТга аъзо давлатлар йиғилиши, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) ва ECOLONER халқаро энергетика консалтинг компаниясининг ИҲТ Тоза энергия марказини ташкил этиш лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича учрашув, ИҲТнинг "Минтақавий электр энергияси бозорлари истиқболлари ва муаммолари: савдо ва сармоявий имкониятлар" конференцияси, Фуқаролик авиацияси ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши (ноябрь), ИҲТнинг географик кўрсаткичлар бўйича минтақавий семинари (ноябрь) онлайн шаклда ташкил этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар транспорт вазирларининг 2020 йил декабрь ойида бўлиб ўтган виртуал учрашуви якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё — Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Афғонистон — Эрон, Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон автомобиль ва темир йўл транспорти йўлакларини яратиш ташаббуслари ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва якуний декларацияга киритилди.

2021 йил январь ойида ИҲТга аъзо давлатлар Махсус иқтисодий зоналари раҳбарларининг биринчи йиғилиши ва Минтақавий режалаштириш кенгашининг 31-йиғилиши бўлиб ўтди.

ИҲТ Минтақавий режалаштириш кенгашининг Ўзбекистон раислигида 2022 йил 17-26 январь кунлари бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ташаббуси билан 2022 йил "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида 25 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Хусусан, 2022 йил 5-6 июль кунлари Тошкент шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги вазирларининг 7-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилот бош котиби Хусрав Нозирий ҳам иштирок этди.

2022 йил 13 декабрь куни ИҲТ давлатлари туризм вазирларининг тўртинчи йиғилиши онлайн тарзда ташкил этилди. Мазкур йиғилиш якунларига кўра, Шаҳрисабз шаҳри "2024 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти" деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 5 декабрда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига тўлақонли аъзоликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар билан кенг ҳамкорлик қилиш имконини берувчи "Измир шартномасини ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунни имзолади.

2023 йил 24 январда Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотга аъзо барча давлатлар ТИВ раҳбарлари илк бор иштирок этди. Учрашув якунлари бўйича Тошкент коммюникеси қабул қилинди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котибини қабул қилди.

Шунингдек, ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий 2021 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Президент сайловида ва жорий йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ташкилотнинг навбатдаги саммити Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигига янги суръат бағишлаши, тузилма учун долзарб масалаларни ҳал этишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кенг ИҲТ маконида истиқомат қилаётган барча халқлар манфаати йўлида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича кейинги устувор йўналишларни белгилаш учун янги асос яратади.

**"Дунё" АА**

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАЁТГАН ФАРҒОНА

Бошланиши 1-бетда

Маҳалламиздаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари талаб ва таклифларига мос турфа гуллар, қўғирчоқлар тайёрлаб беряпман. Бундан ташқари, қизиққан ёшлар ва хотин-қизларга ҳунаримни ўргатишга ҳаракат қиламан. Айни кунда фаолиятимни янада кенгайтиришни кўзлаб турибман.



Фарғона тумани "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Лутфулло Матбобоев 51 ёшда. Шу ёшида мономарказда тўлов-контракт асосида электромонтёрлик курсида ўқиди.

— Ҳунар ўрганишнинг эрта-кечи бўлмас экан, — дейди Лутфулло. — Бир неча йил Россияда ишладим. Қўлимда тайинли ҳунар йўқлиги кўп панд берди. Шу боис, мономарказда ўқиб, касбим бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлдим. Бу ҳунарга талаб жуда юқори. Оддий уй шароитида ҳам электр жиҳозларини созлаш, таъмирлаш учун мутахассис чақиришга мажбур бўлардим. Энди ҳаммасини ўзим бажара оламан. Қўлимда мувофиқлик сертификати бор.

Кейинги йилларда Фарғона вилоятини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш дастури асосида 542,5 мингта иш ўрни яратилди. Бу белгиланган режадагидан 74 мингта кўп.

— Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори камбағал, ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга кенг йўл очди, — дейди вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Анваржон Абдуллаев. — Асосий мақсадимиз — камбағал ва ишсиз аҳолини доимий даромад манбаига эга қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имконият яратиб бериш. Бунда муайян касб-ҳунар ўрганиш ва малакага эга бўлиш талаб этилади. Шу мақсадда касб-ҳунарга ўқитиш орқали кўпларнинг бандлиги таъминланяпти. Шу кунга қадар 9 мингдан ортиқ фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорлик курсларига қамраб олинди. Ўқишни тамомлаган 5738 фуқаронинг аксарияти ўзи танлаган касб-ҳунар йўналишида ишли бўлди. Касаначилик орқали иш ўринлари яратиш, соҳа ташаббускорларини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида лойиҳа ташаббускорлари томонидан 15 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Фарғона тумани "Водил" маҳалла фуқаролар йиғинида касаначи аёллар тайёрлаётган турфа ўйинчоқ ва уй жиҳозларига талаб ортиб бормоқда.

"Art house Sadosh" МЧЖ таъсисчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Садоқат Мирзаеванинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашида субсидиянинг ўрни катта бўлди. Бу ерда "Садош" бренди остида кашта, қуроқ ва ўйинчоқлар тайёрлаш орқали маҳалладаги элликдан ортиқ аёлнинг бандлиги таъминланди.

— Бугунга қадар касаначилик асосида 300 га яқин янги иш ўрни яратдик, — дейди тадбиркор. — Айни кунда умумий қиймати 1 миллиард сўмлик янги лойиҳа устида ишлаяпмиз. Натижада йиллик ишлаб чиқариш қувватимиз икки ҳисса ошади, яна юзлаб янги иш ўрни очилади.

Тадбиркор ташаббуси билан "Шоҳимардонсой" маҳалла фуқаролар йиғинида бўш турган бинода "устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳунар ўргатиш маскани ташкил этилган. Бу ерда 30 нафардан ортиқ хотин-қиз касаначилик ортидан даромад топмоқда.

— Вилоятда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш, кредит олишда суғурта полиси тўлови ҳамда иш берувчилар томонидан меҳнат органлари йўлланмаси орқали ишга қабул қилинган ижтимоий ҳимояга муҳтож 4774 ишсизга 17,5 миллиард сўм субсидия ажратилиб, 11 мингга яқин фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорлик йўналишида ўқишга йўналтирилди, — дейди Фарғона вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Алишер Салиев. — Ҳудудлар ихтисослашувидан келиб чиқиб, тикувчилик, қуёнчилик, паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик ва асаларичилик каби йўналишларда касаначилик тармоқлари ташкил этилмоқда.

Риштон туманидаги "Амиробод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Абдураҳмон Фозиловнинг турмуш ўртоғи фарзанд тарбиясидан ортмайди. Ўзи эса қўлида ҳунари йўқлиги боис, ёлланма ишларни бажариб, рўзғор тебратиб келарди. Оиладаги мавжуд вазиятни ўрганган маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан унга томорқасида иссиқхона қуриш учун 31 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. У эрта кўкламда бодринг, иккинчи ва учинчи ҳосил сифатида турли кўкатлар етиштирмоқда.




Шерзод Қорабоев олган суратлар.

— Ишлаш учун Россияга боришга ҳам ҳожат қолмади. Шу кунга қадар 35 миллион сўмдан ортиқ даромад кўрдик, — дейди Абдураҳмон.

Бевосита маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан тадбиркорлик ва ўз бизнес фаолиятини юритмоқчи бўлган 34 минг 446 фуқарога 623,9 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари, 4 минг 562 та истиқболли лойиҳа "Онлайн-маҳалла" платформасига жойлаштирилди. Ташаббускорлар маблағлари ва банк кредитлари ҳамда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан яна 21 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# ҲАР ТОМЧИДА ҲАЁТ АКСИ

## 2024-2026 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА 1 МИЛЛИОН 100 МИНГ ФУҚАРО ИЛК БОР ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Бошланиши 1-бетда

Юртимизда сув ресурсларини оқилона бошқариш, суғориш ва истеъмол учун сарфланадиган сув ҳисоб-китобини юритиш, тежамкор технологиялар жорий этиш бўйича яқин ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш рағбатлантирилмоқда.

— Бугунги кунда аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан қамров даражаси 74 фоизни ташкил этади, — дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Ҳайдаров. — Ушбу кўрсаткични 2030 йилгача 87 фоизга етказиш мақсадида ҳужжатда қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, ичимлик сувни ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган самарали тизимни жорий этиш, ичимлик сувни ҳисобга олиш, сув ҳисоблагичларни тўлиқ ўрнатиш ва йўқотишларни камайтириш, соҳани рақамлаштириш, узлуксиз, сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Соҳага инвестиция жалб қилиш орқали ичимлик сувни тарқатиш жараёнларида давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳам муҳим.

Қарорга кўра, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар негизида 2024 йил 1 апрелгача ҳудудий магистрал сув таъминоти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ичимлик сув таъминоти ташкилотлари акциядорлик жамиятлари ташкил этилмоқда.

Шу ўринда магистрал сув таъминоти борасида тушунтириш бериб ўтиш ўринлидир. Ичимлик сув магистрал тармоқлар орқали аҳоли пунктларига етказиб берилади. Ҳудудий сув таъминоти корхоналари эса берилган сувни аҳоли ўртасида тарқатиб, кўрсатилган хизматлар учун тўловни таъминлайди.

Ҳар бир соҳа рақобатбардош бўлиши учун эркин бозор шароитида фаолият юритиши керак. Маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлардан арзон бўлиши, яъни сунъий равишда арзонлаштирилиши корхона рентабеллиги у ёқда турсин, истиқболи учун ҳам хавф туғдиради. Нима учун бу ҳақда гапиряпмиз? Чунки бугун ичимлик ва оқова сув корхоналари мана шундай тескари қоидалар асосида — зарар билан ишламоқда.

Ҳужжат талабларига мувофиқ, тизимга қатор янги тартиблар жорий этилмоқда. Хусусан, 2024 йил 1 январдан ичимлик ва оқова сувни чиқариб юбориш нархлари маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, тизимни ривожлантириш, молиявий харажатлар, солиқлар ва мажбурий тўловлардан келиб чиқиб шакллантирилади. Шунингдек, янги қуриладиган ичимлик ва оқова сув йўналишидаги объектлар ва тизимларни лойиҳалаштиришда мазкур ҳудуднинг тўлиқ қамров даражасини инобатга олиш талаби ўрнатилади.

Мутахассислар таъкидича, бунда энг асосий йўналишлардан бири соҳани рақамлаштиришни тезлаштириш. Бу йўқотилаётган сув сарфини камайтириш, сув ҳисобини юритишни инсон омилисиз амалга ошириш имконини беради. Бу эса истеъмолчи учун ҳам, "Ўзсувтаъминот" корхоналари учун ҳам қулайлик яратади.

Мазкур қарор билан аҳолининг ичимлик сув таъминоти 40 фоиздан кам бўлган 30 туманда 3 триллион 400 миллиард сўм эвазига 212 та сув иншооти, 3 минг 700 километр ичимлик сув тармоғи қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, 2024-2026 йилларда республикамизда 1 миллион 100 минг фуқарога илк бор тоза ичимлик сув етказиб берилади, 2 миллион нафарининг эса ичимлик сув таъминоти яхшиланади.

Қарорнинг энг аҳамиятли жиҳати, сувни тежаш, соҳага эркин бозор муносабатларини жорий этиш ва аҳолининг сифатли ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириб боришдир. Айни шу мақсадда 2024-2026 йилларда ичимлик сув таъминоти оғир бўлган жами 813 маҳалла ичимлик сув билан таъминланади, 24 минг 693 хонадонга ичимлик сув тармоқлари уй хўжалигигача етказилади. 130 аҳоли яшаш пунктида давлат ижтимоий буюртмаларини бериш орқали ичимлик сув таъминоти йўлга қўйилади ва 792 минг 90 истеъмолчи ичимлик сув учун ҳисоблагичлар билан таъминланади.

Ҳозирги кунга қадар сув ресурсларини бошқариш, ҳисобини юритиш, иншоотлар қуриш ва хизмат кўрсатишгача бўлган барча жараёнлар давлат томонидан молиялаштирилади. Бунинг биринчи сабаби — соҳа инвестицион жозибадор эмаслиги. Яъни давлат катта зарар билан ишлаётган корхоналарни бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолига арзон нархда хизмат кўрсатиши учун сақлаб турибди.

Эндиликда соҳада бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, 2024 йил 1 июлдан тажриба тариқасида Когон, Ширин, Янгиер, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ичимлик ва оқова сув таъминоти давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга берилади.

"Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси", ичимлик сув муаммоси мавжуд маҳаллаларнинг 2024-2026 йилларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш дастури, 2024-2026 йилларда республика ҳудудларида ичимлик сув тармоқларини уй хўжалигигача етказиш бўйича чора-тадбирлар дастури ва бошқа муҳим ҳужжатлар тасдиқланди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз қарори, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга, шунингдек, соҳани эркин бозор муносабатлари даражасида ривожлантиришга, энг муҳими, сувнинг ҳар бир томчисини тежаб ишлатишга, пировардида эса иқлим ўзгариши келтириб чиқарадиган салбий оқибатларни қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



## ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

**Стратегияда Ўзбекистон 2030 йилга қадар БМТнинг электрон ҳукумат рейтингида (e-Government Development Index) “ТОП–30” таликка киришига эришиш вазифаси ҳам қўйилди. Мазкур рейтинг мамлакатларда соҳа ривожини кўрсатувчи халқаро индекс ҳисобланади. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, аҳоли ва давлат ўртасида электрон мулоқотни кенгайтириш, хизматларни қулайлаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.**

# “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”ДАН “РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ”ГА

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Бошланиши 1-бетда

Ҳозирга келиб электрон ҳукуматнинг ягона идентификация тизими (id.egov.uz) такомиллаштирилиб, фойдаланувчилар сони 7 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда. Мазкур тизим орқали фуқароларга давлат идораларининг 245 дан зиёд ахборот ресурсидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) 400 дан ортиқ давлат хизматидан инсон омилисиз электрон тарзда фойдаланиш имконияти яратилди ва электрон хизматларга бўлган талаб 10 баробарга ошди. Бугунги кунда мазкур порталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 3,6 миллиондан ортган.

Электрон ҳукумат тизими айни вақтда давлат органларининг ўзаро ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашинувини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнида бу тизимдан самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, электрон тижорат, интернет тармоғи тамойиллари асосида рақамлаштириш масаласи ўрин олган.

Мазкур дастурий ҳужжатда давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириб, уларнинг 40 фоизини хусусий секторга ўтказиш ва фуқароларнинг шахсий иштирокини икки баробарга қисқартириш, “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи — “Рақамли ҳукумат” тизимига



орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш ҳам ривожланиб бормоқда.

Бундан ташқари, коммунал хизматларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимлари такомиллашяпти. Нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимлари ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожланмоқда.

Шу билан бирга, “Электрон ҳукумат” тизимида электрон хизматлар фойдаланувчилари баъзи ноқулайликларга дуч келаётгани ҳам бор ҳақиқат. Қулай интерфейснинг мавжуд эмаслиги, электрон идентификация қилиш имкониятининг чекланган ва энг юқори талаб вақтида серверларга юқори юкланиш бўлаётгани шулар жумласидан.

Мазкур масалаларни бартараф этиш учун электрон ҳукуматни қўллаб-қувватловчи ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини модернизация қилиш, дастурий таъминотни янгилаш ва янги электрон хизматларни ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш зарурати мавжуд.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу борада устувор вазифалар белгилангани айни муддао бўлди. Хусусан, электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 100 фоизгача, фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улушини 50 фоизгача етказиш, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини камида 40 тага ошириш ўз аксини топган.

Камида 300 та давлат хизматини хусусий секторга ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатларини 20 фоизга қисқартириш ҳамда 50 фоизини, давлат хизматлари кўрсатишнинг 300 тага яқин тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек, давлат хизматларини “уч қадам”, “фойдаланувчи учун мослаштирилган”, “барчаси бир мобиль иловада” ўтиш, барча ҳужжатлар ва муносабатларнинг рақамли шаклга ўтишини таъминлаш каби самарадорлик кўрсаткичлари ҳам ўз ифодасини топгани эътиборга молик.

Стратегияда Ўзбекистон 2030 йилга қадар БМТнинг электрон ҳукумат рейтингида (e-Government Development Index) “ТОП-30” таликка киришига эришиш вазифаси ҳам қўйилди. Мазкур рейтинг мамлакатларда соҳа ривожини кўрсатувчи халқаро индекс ҳисобланади. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, аҳоли ва давлат ўртасида электрон мулоқотни кенгайтириш, хизматларни қулайлаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу рейтингда илғор 30 мамлакат қаторига кириш учун хорижлик экспертлар иштирокида, халқаро методология асосида 6 йўналиш бўйича 53 тадбирдан иборат “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унда онлайн хизматлар бўйича 112 кўрсаткични яхшилаш, 2024 йилда 700 та рақамли хизматни ишга тушириш, уларнинг автоматлашганлик даражасини 65 фоизга етказиш ва барчасини my.gov.uzга жамлаш, аҳоли масканлари ва автомагистрал йўлларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида рақамли шаклда тақдим этилиши орқали 2023 йил 1 декабрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан 47 турдаги маълумотларни талаб қилиш бекор қилинмоқда.

Умуман олганда, электрон ҳукумат тизимининг такомиллашиши давлат органлари кўрсатаётган хизматлар очиқлиги, шаффофлиги, самарадорлиги ва сифатини оширишга замин яратади. Бу эса фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, жамият тараққиётини юксалтириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим қадам бўлади.

МУНОСАБАТ

# ТАРАҚҚИЁТ ДУНЁСИНИНГ ЯНГИ МАКОНИ



**Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори**

Бошланиши 1-бетда

Ташкилотнинг асосий мақсади туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик, ўзаро мулоқот майдонини яратиш, Евроосиё ҳудудида ва глобал даражада хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

ТДТ глобал миқёсдаги салбий жараёнларнинг олдини олишни имкон даражада енгилроқ ўтказиш ва янгидан шаклланаётган халқаро тизимларда туркий давлатлар ўз ўрнини топиши ва истиқболли ривожланишга эга бўлишнинг янги имкониятлари ҳамда шарт-шароитларини яратди. Ўз навбатида, ёш мустақил давлатларнинг, айниқса, миллий ўзликни ва қадриятларни англаш асосида дунё сиёсий-иқтисодий-ижтимоий жараёнида ўз ўрнига эга бўлиш ва миллий манфаатни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро платформаси яратилди.

Тузилма, ҳақиқатан, қисқа вақтда шаклланиб, дастлабки ижобий натижаларга эришди. Аввало, тарих учун, айниқса, ҳозирги шиддатли ўзгараётган дунё, давлатлараро муносабатларда ноаниқликлар пайдо бўлиб, ўзаро ишонч ҳисси пасайиб бораётган охирги ўттиз йиллик давр жуда қисқа муддат бўлишига қарамасдан ТДТ ташкилий институтларини шакллантириб бўлди. Ташкилот доирасида Туркий давлатлар парламентлари ассамблеяси, Турк академияси, Турк маданияти ва мероси жамғармаси ташкил этилди. Фаолиятнинг асосий тамойиллари 2016 йил қабул қилинган Истанбул декларациясида белгилаб қўйилди. Туркий кенгаш котибияти Истанбул шаҳрида фаолият юритмоқда. 2018 йил сентябрь ойида Чўлпонота шаҳрида Европа вакили Венгрия кузатувчи мақомига эга бўлди. Шундан кейин Будапешт шаҳрида ТДТ ваколатхонаси очилди.

Ташкилот тарихига эътибор берсак у XX аср охирида собиқ СССР парчалангандан сўнг вужудга келган объектив реалликка ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнга ўзига хос жавоб сифатида ташкил топганини кўрамиз. Таъкидлаш керак, дунёнинг икки қутбга бўлиниши натижасида кўп йил давомида бу ҳудудлардаги давлатлар, халқлар ўртасидаги алоқа сунъий равишда иҳоталаниб, бутунлай тўхтаб қолган эди. Ўша йиллари жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида вужудга келган реал вазият, бир томондан, туркий халқлар ўртасидаги тарихий алоқаларни қайта тиклаш ва янги даврга мос сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатни, замонавий мулоқотни шакллантириш ва ривожлантиришга имкон яратди. Бошқа томондан, собиқ иттифоқ таркибидаги туркий халқларда миллий ўзликни англашга эътибор кучайди, тарихий анъаналар қайта тикланди, туркий давлатлар алоқалари шаклланиб, фаоллашди.

Ташкилотнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши муҳим тенденция сифатида ривожланмоқда. Турк дунёсида ҳамкорлик платформасини ташкил этиш мақсадида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ташаббуси билан 2009 йил 3 октябрь куни Нахичеван шаҳрида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар кенгаши тўғрисида келишув имзоланди, 3 октябрь — ТДТнинг расмий ташкил топган куни байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Шу кундан бошлаб тузилма туркий тилда сўзлашувчи давлатлар ҳамкорлиги кенгаши сифатида фаолият юрита бошлади. 2021 йил ноябрь ойида Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган саммитдан янги тенденция бошланди. Бу даврга келиб, бир томондан фаолият доираси кенгайди, иштирокчи давлатлар сони ортди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон Ташкилотга ҳақиқий аъзо бўлиб кирди.

2021 йил 12 ноябрда ташкилотнинг халқаро миқёсдаги аҳамиятини ошириш, минтақавий барқарорлик ва тинчликни таъминлашдаги реал имкониятини кенгайтириш учун саккизинчи саммитда тузилма номи “Туркий давлатлар ташкилоти” этиб ўзгартирилди. Зеро, туркий давлатлар ҳамкорлиги бугунги давр талабига жавоб бериши, ҳамкорлик механизми мустаҳкамланиши, ўзаро боғлиқликда янада мукаммал сиёсий-ҳуқуқий асос яратилиши учун айни қадам муҳим аҳамиятга эга эди. Истанбул саммитида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти бундай қарор ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда мустаҳкам замин яратишига ишонч билдириб, фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши, ташкилотнинг халқаро майдондаги роли ва нуфузини сезиларли даражада оширишини таъкидлади.



**“Ташкилотнинг асосий мақсади туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик, ўзаро мулоқот майдонини яратиш, Евроосиё ҳудудида ва глобал даражада хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.**

## Ўзбекистоннинг ТДТдаги фаоллиги

Мамлакатимиз ТДТга раислик қилган давридаги ўзгаришлар ва Самарқандда ўтказилган саммит ҳамда Ўзбекистоннинг Ташкилотга раислик қилиши янги қирраларни бошлаб берди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қуйидаги ғоялари муҳим аҳамиятга эга бўлди.



**“Давлатимиз раҳбари Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқиш, Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш ишларини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.
Савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтириш бўйича янги механизмларни қўллаш, электрон савдо платформаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасида ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш, қўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган йўлакларни фаоллаштириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.**

**Биринчидан,** “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида бўлган Самарқанд саммитида имзоланган ҳужжатлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди, муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

**Учинчидан, “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастури** асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди.

**Тўртинчидан,** Туркий давлатлар Касаба уюшмалари ташкилоти, Фазо тадқиқотлари академияси, Жўғрофий кенгаш, Қурғоқчиликни бартараф этиш институти, Нотариал идоралар уюшмаси каби янги тузилмалар иш бошлади.

**Бешинчидан,** қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — БМТ ва унинг турли ихтисослашган институтлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

**“Ташкилот доирасида маданий-маърифий жараёнларни янада кучайтириш мақсадида жадид боболаримизнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ТДТ мамлакатлари вакилларини жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро анжуманда фаол иштирок этишга таклиф этиши муҳим амалий аҳамият касб этди.**

**Олтинчидан,** глобал иқтисодий инқироз кучайиб бораётганига қарамасдан, ўзаро савдо ҳажми ўсишига эришилди.

## Янги даврнинг янги ташаббуслари

Давлатимиз раҳбарининг Туркий давлатлар ташкилоти юбилей саммитида дунёда кечаётган зиддиятли сиёсий жараёнларнинг чуқур таҳлили асосидаги муҳим стратегик ғоя ва мулоҳазалари, ўз вақтида зарур ечимга олиб келадиган жиҳатларни кўрсатгани ва истиқболга қаратилгани билан фарқланади.

Аввало, бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграётгани, шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро ташкилотлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бораётгани таъкидланди.

Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келаётгани, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Бу борада Фаластин — Исроил можароси кейинги пайтда хавфли тус олгани жиддий хавотирга солаётгани, қуролли тўқнашувлар оқибатида тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан зиддият иштирокчиларини зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муросага келишга чақирди.

Бутун дунё афкор оммаси эътиборидаги Фаластин — Исроил муаммосини БМТ резолюцияларига мувофиқ “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида ҳал этиш зарурлиги борасида Ўзбекистоннинг позицияси қатъий эканини билдирди.

Айни пайтда, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга чақирди.

Ва ниҳоят, Ташкилот доирасида маданий-маърифий жараёнларни янада кучайтириш мақсадида жадид боболаримизнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ТДТ мамлакатлари вакилларини жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро анжуманда фаол иштирок этишга таклиф этиши муҳим амалий аҳамият касб этди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқиш, Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш ишларини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтириш бўйича янги механизмларни қўллаш, электрон савдо платформаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасида ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш, қўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган йўлакларни фаоллаштириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.

**Яна бир муҳим жиҳат. Ташкилотнинг Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва бу тузилма дирекциясини Ўзбекистонда жойлаштириш, вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузиш, Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиш каби ташаббуслар ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

Хулоса ўрнида айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро вазиятга берилган баҳо ва вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ечимларнинг таклиф этилиши нафақат ташкилот доирасидаги давлатлар балки халқаро миқёсда муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Ташкилот доирасида илгари сурилган ташаббуслар эса белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг янги механизм ва инструментларини вужудга келтиради.

ЯШИЛ МАКОН

# ДАРАХТЛАРНИ НОМИГА ЭМАС, КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ЭКИШ ЛОЗИМ





**Бугунги кунда ўсимлик дунёси иқлим ўзгариши ва антропоген таъсир остида кескин қисқариб, уни муҳофаза қилиш глобал экологик муаммоларнинг асосий бўлаги бўлиб қолмоқда. Шу боис, мамлакатимизда яшилликни сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, юртимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларда кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар ташкил қилиниб, йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали яшил майдонларни 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режа қилинган.**

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Президентимиз раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бу бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб берилган эди. Айни пайтда ушбу йўналишдаги ишлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида “Тахиатош ИЭС” АЖ жамоаси томонидан кўчат экиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, — дейди жамият бош директори Фахратдин Халилаев.— Корхонамизнинг ҳудуди ва атрофга 700 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Уларни экишда минтақа иқлими ва ер тузилишига ҳам эътибор беріляпти.

Кегейли туманида жорий йилнинг куз мавсумида 300 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган. Тумандаги “Ийшан қала” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Агро Халқабад пахтаси” корхонасининг пахта экилган 5 гектар даласи четига тут, узум, жийда сингари дарахт кўчатлари экилди.

Айни пайтда ушбу йўналишдаги ишлар Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларида жадаллик билан олиб борилмоқда. 2023 йилнинг куз мавсумида 5 миллион 950 минг туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда бута кўчатлари экилади. Шундан келиб чиқиб, Қораўзак туманидаги “Бердақ” овул фуқаролар йиғинидаги “Атағулла ата” фермер хўжалигида 200 дан ортиқ тут кўчатлари экилган бўлса, туман прокуратураси томонидан иккинчи секторга бириктирилган бир гектар ернинг атрофи ободонлаштирилиб, 650 дона тут кўчати қадалди.

— Бизда эса жорий йилнинг куз мавсумида 340 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш режа қилинган, — дейди Тахтакўпир туман ҳокимининг экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Тлеуберген Тоқимбетов. — Айтиш керакки, бу борада туманимиз ўзига хос тажрибага эга. Негаки, баҳорда 426 900, яъни белгиланганидан қарийб 7 мингта кўп кўчат эккандик. Бу йил улар, асосан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари четига, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг ихоталанган қисмларига ҳамда ўрмон хўжалиги майдонларига экиляпти.

Қайд этиш жоизки, янги қабул қилинган Конституциямизда экологик нормалар алоҳида боб билан мустаҳкамланди. Бундан ташқари, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродаси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бешта устувор йўналишларидан бири сифатида атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг ҳуқуқий асослари яратилгани ҳам бежиз эмас. Бинобарин, бугун қилинаётган ишлар ана шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир. Қолаверса, азалий анъана ва қадриятларимиз асосида амалга оширилаётган мазкур эзгу лойиҳа яшил ҳудудларни кенгайтириш имконини бериш баробарида, юртимизда мўътадил иқлим ҳосил қилишга ҳам хизмат қилади. Бу эса саломатлик учун жуда фойдали. Шу жиҳатдан, лойиҳани мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш орқали глобал иқлим ўзгаришларнинг олдини олишдаги миллий ечим, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 25 октябридан 1 декабригача кузги дарахт экиш мавсуми доирасида 85 миллион туп кўчат экиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир маҳалла ва туманда қайси дарахт яхши кўкаришини одамларнинг ўзи яхши билиши, шу боис, кўчат турини аҳоли билан бамаслаҳат танлаш кераклиги қайд этилган. Қорақалпоғистонда иссиқ ҳамда қурғоқчил иқлимга мос келадиган дарахтлар ва яшил майдонлар ниҳоятда муҳим. Улар нафақат салқинлик бериб, ернинг шўрланиш даражасини камайтиради, балки чанг кўтарилишини ҳам тутиб қолади. Масалан, бир гектар яшил дарахтзор ҳар йили ҳавони 60-70 тонна чангдан тозалаб, унинг концентрациясини 25-45 фоизгача пасайтиради. Япроқли дарахтларнинг шох-шаббалари шовқин энергиясини 70 фоизгача ютади. Фаннинг исботлашича, “яшил” зоналарда дарахтсиз жойга нисбатан бактериялар 300 марта кам бўлади.

— Кўчатларни экишдан олдин учи кесиб, янгиланиши, гўнг, тупроқ ва сув аралашмасидан тайёрланган “шарбат”га ботирилиб олиниши мақсадга мувофиқ, — дейди биология фанлари номзоди Ҳожимурод Талипов. — Шунингдек, экиш пайтида суғориш ва илдиз устига тупроқ тортиб бўлингандан сўнг босиб зичлаштириш ҳам зарур. Илдиз бўғзи кўмилиб ҳам, ер юзасидан юқорига чиқиб кетиши ҳам керак эмас. Экиб бўлингандан кейин дарахт атрофига айланаси 1 метр масофада ариқ олиниб, суғорилади. Биринчи суғорилганда тупроқ чўкиб, илдизи очилиб қолиши мумкин, қўшимча тупроқ солиниб, ёрилган жойлари қайта кўмилади.

Барчамизга яхши маълум, ўрмон табиатнинг бебаҳо неъматидир. Ушбу яшил бойликларни асраш, экологик вазиятни яхшилаш ва унинг салбий оқибатлари олдини олишда эса ўрмон хўжаликлари муҳим ўрин тутади.

Амударё туманига қарашли “Қипчоқ” давлат ўрмон хўжалиги ҳам ҳududдаги табиий муҳитни мўътадиллаштириб турувчи, ёғоч, доривор ва бошқа турдаги ўсимликлар, уларнинг уруғларини, турли манзарали дарахтлар кўчатларини етиштириб берувчи манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

— Қипчоқ ва Қиличбой овуллари ҳудудида жойлашган давлат ўрмон хўжаликнинг умумий ер майдони 16 минг 545,8 гектардан иборат. Шундан 3 минг 798,3 гектари ўрмон билан қопланган майдонлар, 855 гектари туташмаган ўрмонзорлар, 11,4 гектари ўрмон кўчатхоналари ҳисобланади, — дейди Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги директори Эркин Тораев. — Ҳудудда тақир ерлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 6,87 гектарни, ҳайдаладиган ерлар 24,5, яйловлар 2 минг 689,9 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, ҳудуддаги сувли ерлар 2,4 гектар, қумликлар 1 минг 894,9, бошқа ерлар эса 6 минг 748,2 гектарга яқин.

Хўжалигимизда жорий йилда маданий ўрмонзор барпо қилиш, тумандаги корхона-ташкилотларни кўчатлар билан таъминлаш ва кўчатхона ташкил этиш учун уруғ тайёрлаш йиллик режаси 4 минг килограмм қилиб белгиланган бўлса, ҳозирги кунгача 16 минг 250 килограмм уруғ тайёрлаб қўйилди. Шундан 15 минг 730 килограмми саксовул уруғи бўлиб, улар, Орол денгизининг қуриган майдонига ва туманимизнинг ўрмон барпо этиладиган қумли ҳудудларига сепилди.

Хўжаликнинг 11,35 гектар майдонида кўчатхона ташкил қилинган бўлиб, ҳозирда 901 минг дона ниҳол ва кўчатлар мавжуд. Куз ойларида “Яшил макон” лойиҳаси ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги корхона, ташкилотларга, шунингдек, мактаб ва боғчаларга ҳомийлик асосида 64 минг 110 дона ҳар хил манзарали дарахт кўчатлари ва қаламчалари етказиб берилади.

Яхши ният билан кўчат экиш, боғроғлар яратиш ота-боболаримиздан келаётган яхши удум, миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. Дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бораётган айни экологик вазиятда ерга ниҳол қадаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай экан, дарахтларни номига эмас, ҳаётимиз, эртанги кунимиз учун экишимиз, парваришлашимиз лозим.



**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

**Педагогман, узоқ йиллар болаларга таълим бериб келдим, ҳозир меҳнат фахрийсиман. Маҳалламиздаги ёш авлоднинг аксарияти кўз ўнгимда вояга етган, камол топган. Улар бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида меҳнат қиляпти, жамият равнақига ўз ҳиссаларини қўшяпти.**



# ЭСДА ҚОЛАДИГАН КУНЛАР ШУКУҲИ

**Мамат МАҲМУДОВ,**
**Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги “Фитрат” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли**

Қишлоғимиздаги 97-умумтаълим мактабига 1999 йилда асос солинган. Ўша пайтда унда бошланғич синф ўқувчилари пастаккина бинода ўқишарди. 2007 йилга келиб, 200 ўринга мўлжалланган янги бино қурилиб, 9-синфгача таълим олиш учун шароит



яратилди. Лекин барибир, таълим-тарбия ишлари икки навбатда олиб бориларди.

Шунга ҳам шукр қилганмиз. Чунки янги бинони қуриш осон кечмаган. Режага киритиш, маблағ ажратилиши учун анча йиллар давомида мутасадди идоралар остонасида сарғайиб туришга тўғри келган. Қурилиш ишларини олиб бориш, мактабни жиҳозлаш ҳам шундай ташвишу асаббузарликлар эвазига амалга оширилган.

Яқинда мактабнинг 140 ўринга мўлжалланган қўшимча замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Янги таълим даргоҳининг иш бошлаши маҳалламиз аҳолиси учун эсда қоларли кун бўлди. Ташқи ва ички кўриниши киши дилини яйратади, синфхоналар шинам ва ҳар бир таълим йўналиши бўйича жиҳозланган. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзларига мўлжалланган столу стулларда билим олаётганини, ахборот технологиялари, миллий либослар, фан тўгаракларида яратилган шарт-шароитларни кўриб, кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Шундай кезда маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир”, деган фикрлари ёдга келаверади. Ҳақиқатан, юрт равнақи ва тараққиёт одимларини таълим-тарбия белгилайди.

Инчунин, ана шундай бинога таъмал тоши қўйилиши ва унинг бугунги талаблар асосида жиҳозланишида маҳалламиз аҳлининг ҳиссаси бор. Биз учун бунга “Очиқ бюджет” дастури имконият яратди.

Маълумки, дастурнинг “Ташаббусли бюджет” электрон бўлими ёрдамида фуқаролар маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, хиёбонлар, болалар ва спорт майдончалари, ички йўлларни қуриш, боғча, мактабларни кенгайтириш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш каби масалалар бўйича лойиҳаларни таклиф этиб, овоз бериш йўли билан маҳаллий бюджетнинг тақсимланишида иштирок этади. Натижада муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Бизнинг Фитрат номидаги маҳалламиз аҳолиси ҳам шу йил кўкламида мазкур лойиҳада қиймати 1,2 миллиард сўм бўлган мактабнинг қўшимча биносини қуриш таклифини илгари сурди. Баҳамжиҳатликда 2500 дан ортиқ овоз йиққанимизга қарамай, ғолиблар сафида бўла олмадик.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 апрелдаги “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори орзу-мақсадларимиз ушалишига йўл очди. Қарорда 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 1 минг 309 та лойиҳа учун ҳам қўшимча 1,3 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу — 4 миллиондан ортиқ аҳоли, шу жумладан, бизнинг маҳалламиз кўтарган масала ечимини топишига имкон берди. Яна бир эътиборли томони, мазкур икки қаватли билим даргоҳи олти ойга бормай қад ростлади ва жиҳозланди. Маҳалламиз фаоллари мактаб раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, кейинги йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали спорт залини қуриш таклифини илгари суришни режалаштириб турибмиз.

Кейинги пайтда туманимизда кўнгилни кўтарадиган бунақа кўп ишлар амалга ошмоқда. Бир томондан, “Яшил макон” дастури доирасида боғлар яратишга, йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига бел боғлаб киришилган бўлса, бошқа жиҳатдан, маънавият ва маърифат марказининг ишга тушгани яна бир эсда қоларли воқеа бўлди. Унинг кўркам биносида туман ўлкашунослик музейи ҳам ташкил этилгани бизни қувонтирди. Чунки шу пайтгача ҳудудимиз миқёсида музей бўлмаган. Аслида туманимиз тарихи олис мозийга бориб тақалади. Бинобарин, археологларнинг қазишмалари Челак шаҳарчасининг ёши уч мингликлардан ортиқлигини кўрсатмоқда. Биздан сал нарида, Кўктепада топилган “Сак маликаси”нинг қабри ва ундаги нодир ашё, тақинчоқлар 2700 йилларнинг нари-берисидан сўзлайди.

Дарвоқе, шу кунларда яна бир мамнуниятли маросим ўтказилиб, асосий фан олимпиадасининг туман босқичи ғолиблари тантанали тақдирланди. Қарангки, ғолиб бўлган жами 107 нафар иштирокчининг барчаси танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биз педагоглар улар сафида маҳалламиз ўқувчилари борлигидан, кейинги босқичларда ҳам муносиб иштирок этишга ҳозирлик кўраётганидан мамнун бўлдик. Улар сафи янада кенгайиб бораверсин. Бугунги авлодларимизнинг интеллектуал салоҳияти Учинчи Ренессанс пойдевори яратилишига мустаҳкам асос бўлади.

НУҚТАИ НАЗАР

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — БАРҚАРОРЛИКНИНГ МОЛИЯВИЙ УСТУНИ



**Шаҳзод АБДИЕВ,**
**“Lavanda food group” МЧЖ раҳбари**

**Баъзан дўстлар, баъзида эса ҳамкасблар ёки қариндош-уруғлар даврасида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётганислоҳотлар қайси соҳада энг катта ўзгаришлар, пировард натижага асос бўлаётгани ҳақида баҳслашиб қоламиз. Албатта, ушбу жараёнда ҳар ким ўз иши, кўрган-кечирганлари, эшитган ёки ўқиётганларидан келиб чиқиб фикр билдиради. Очиғи, шу вақтгача бундай тортишувларимиз доирасида аниқ бир тўхтамга кела олмаганмиз. Боиси, ҳамма ўз позициясига собит, уни инкор этишга улгурмасингиздан аниқ факт ёки рақамларни қалаштиришни бошлайди.**



Масалан, охирги баҳсларимиздан бирида кимдир очиқлик ва сўз эркинлигини, яна бири инсон қадрини улуғлаш ғояси асосида юртдошларимизнинг муносиб турмуш кечириши учун яратилаётган қулайликларни, бошқаси таълим-тарбияга қаратилаётган эътиборни энг зўр, бошқа йўналишларга нисбатан ислоҳотлар кўлами ва шунга яраша самараси катта эканини таъкидлаб, айтаётганлари шерикларининикидан устунлигини исботлашга интиларди. Бу баҳсда, бир томондан, уларнинг ҳар бирига “тўғри”, дейишга мажбурсан. Чунки айтаётганлар фактларига номутахассис сифатида чуқур тушунмасам-да, мисоллари айни ҳақиқат.

— Аввал ҳам жамиятимизда кечаётган жараёнларда бугунгидек фаолмидинг, бунга имкониятинг бормиди, айниқса, давлат бюджетининг қанчаси нимага сарфланишини билармидинг, сенга айтишармиди, ёки янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари бўйича бу жойига эътирозим бор, деб фикр билдирганмисан? — дейди.

Йўқ, маъносида бошимни ирғишим ҳамоноқ, ана кўрдингми, энди шуни бугун билан бир таққослаб берчи, деб каминага юзланади.

Иккинчиси маҳалладаги ўзгаришлар: йўлларнинг таъмирланаётганидан тортиб, ичимлик ва оқова сув, газ ва электр таъминотигача, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлашдан янгидан барпо этилаётган уй-жойларгача, барчаси одамларнинг яхши ҳаёт кечириши учун қилинаётганини айтади. Педагог дўстимиз болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилга нисбатан 2,5 баробар ошиб, 71,8 фоизга етказилгани, сўнгги 6 йил мобайнида олий ўқув юртлари сони 77 тадан 210 тага етказилиб, уларга қабул 3,5 баробарга ортганини фахр билан сўзлайди.

Тан олиш керак, юқорида ҳам айтганимдек, улар ҳақ. Лекин бу, энг зўр ўзгариш шу дегани эмас. Бинобарин, улар илгари сураётган йўналишлардан ҳам яхши натижаларга эришаётган соҳалар бор. Уларнинг энг илғорларидан бири тадбиркорлик. Бунга шу соҳанинг ичида юрган бир тадбиркор сифатида тўлиқ аминман.

Қизғин баҳсларда мен ҳам энг зўр ривожланаётган соҳа тадбиркорлик эканини таъкидлаб, фактларни санайман: сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага туширилди. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар, импорт бўйича кўплаб бож ставкалари пасайтирилди.

Жорий йил 1 январидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Натижада камида 14 триллион сўм маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қоладиган бўлди.

Охирги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингга етди, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунга мос равишда 1,4 баробарга ошди.

Умуман олганда, тадбиркорлик ривожи улар санаб ўтаётган ўзгаришларга молиявий тиргак бўлаётганини қўшимча қиламан. Улар тасдиқлашади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларнинг изчил давом этаётгани эса бизларга куч-ғайрат бағишлайди, эртанги кунга, бизнесимиз ривожига ишончимизни мустаҳкамлайди. Шундай кезда беихтиёр Ўзбекистон — тадбиркорлар юрти, ишбилармонлар учун энг қулай мамлакат, дейсан.

Президентимиз ташаббуси билан шу ҳафта пойтахтимизда ўтказилган ШҲТ Биринчи транспорт форумида қатнаша туриб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Кези келганида қайд этиш лозимки, корхонамиз 2013 йил ташкил этилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш, бошқача айтганда, ҳам маҳсулот ишлаб чиқариб, ҳам унинг логистикаси билан шуғулланамиз. Кейинги йилларда юртимизда биз каби тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитлар, тақдим этилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб боряпмиз.

Биринчи транспорт форумида иштирок этишимнинг боиси ҳам шунда: фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун янги ҳамкорлар топиш, хориждан замонавий технологиялар олиб келиш. Шу мақсад йўлида форум доирасида бир гуруҳ ишбилармон ҳамкасбларим билан музокаралар олиб бордик, маълум келишувларга эришдик ҳам.

Лекин ҳозир айтмоқчи бўлаётганим бошқа жиҳат — транспорт-логистика имкониятларидан янада самарали фойдаланиш ҳақида. Яъни форум қатнашчиси сифатида шунга амин бўлдимки, яқин келажакда транспорт-логистика йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб давлатлари ўртасида йирик логистика хабига айланади. Бу эса ўз навбатида, нафақат биз каби ушбу йўналишдаги ишбилармонлар, балки барча тадбиркорлар учун янада кенг имкониятлар яратади. Худди қадимда Буюк ипак йўли юртимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутгани каби, логистика хаби энг аввало, экспорт имкониятларимизни оширади, ташишда харажатларнинг кескин қисқариши ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашади. Пировардида, халқаро даражада тадбиркорларимизнинг рақобатбардошлиги ошади. Бу эса ушбу йўналиш янада ривожланиши, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигига хизмат қилади.




АГРОТАРМОҚ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

## ИМКОНИЯТ КЕНГ, УНИ ЎЗЛАШТИРИШ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ



**Камолиддин СУЛТОНОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети проректори**

**Университетимиз жаҳоннинг соҳадаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни жадал кенгайтирмоқда. Жумладан, ICARDA, FAO, KOPIA, JAIKA, USAID ташкилотлари, Германиянинг ERASMUS+ дастури BUZNET лойиҳаси асосида Буюк Британия, АҚШ, Эстония, Италия, Португалиядаги нуфузли университетлар, Корея Республикасининг Конкук ҳамда Россиянинг аграр соҳадаги қатор олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.**

Бошланиши 1-бетда

Бугун ҳар қандай соҳа, жумладан, аграр секторда ҳам халқаро рақобат кучли. Унда ютиш ва шу орқали ривожланишга эришишнинг асосий шарти эса битта — бозорга сифатли ва нисбатан арзон маҳсулот таклиф этиш. Бу, ўз навбатида, экин парваришидаги сарф-харажатларни қисқартириш билан бирга, ҳосилдорликни оширишни талаб қилади. Бунинг учун илмга асосланган фаолият, малакали мутахассислар зарур. Чунки сарф-харажатни қисқартириш учун замонавий технологияларни қўллаш, ҳосилдорликни ошириш учун эса янги, иқлим шароитимизга мос серҳосил навларни яратиш керак. Шунинг учун олий ва ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси замонавийлаштирилиб, илмий-ўқув жараёнларини тубдан яхшилаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга эътибор кучайган.

Президентимизнинг 2019 йил 19 августдаги "Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос яратди. Ҳужжатда қишлоқ хўжалиги тармоқларида кадрлар тайёрлаш сиёсати ва сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини узвий боғлашга қаратилган кўплаб вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси университетимиз фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сиёсати яқин-яқингача деярлик ўзгармай, мустабид тузумдаги эски талаб ва андозалар бўйича давом этиб келаётган эди. Эски техника ва технологиялар, нав, намуна ва адабиётлардан фойдаланардик, соҳага доир дунё янгиликлари ва илғор технологиялардан буткул ажралиб қолган эдик. Шунингдек, назария ва амалиёт ўртасида катта узилиш, бўшлиқ пайдо бўлганди. Бу каби хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида университет тузилмаси, факультет ва кафедралар, магистратура ва умумий ўқув жараёни тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. Бунда давр талаб этаётган соҳа ва тармоқлар, айниқса, тор йўналишдаги ихтисосликларга устуворлик берилди.

Тошкент давлат аграр университети 1930 йилда ташкил этилган. У нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, соҳа бўйича халқаро нуфузга эга.

Қарорга мувофиқ, назария ва замонавий амалиётни ўқув жараёнларида чамбарчас боғлаш натижасида энди талабалар жадваллар, тақдимот, сурат ёки қуритилган ўсимлик намуналаридан эмас, балки ўз қўли, амалиёти, кўникмаси орқали далада етиштирган табиий ўсимликлар ёки нав, дурагайлар асосида билим олишига зарур шароит ва имкониятлар яратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси тор мутахассислигига эътиборни кучайтириш мақсадида иккинчи ўқув босқичидан талабаларни ўзи танлаган ихтисосликка мақсадли йўналтириш, битирув малакавий диплом ишининг заминини шу даврдан шакллантириш ҳамда бир талабага университетдан бир устоз ва илмий-тадқиқот муассасасидан ёки ишлаб чиқаришдан яна бир устоз бириктириш тартиби йўлга қўйилди. Буни кенгроқ тушунтирадиган бўлсак, авваллари олим агроном ёки олим чорвадор деб ёзилган диплом берилarди. Ўқишни битириб борган олим агроном аввалги колхоз ёки совхозда пахтачилик комплексида ишлаётган бош ёки бўлим агрономларига ёрдамчи бўлиб фаолият бошларди. Хўжаликда эса асосий экин ғўза, қисман беда, маккажўхори ёки бошоқли дон, асосан, озуқа учун етиштириларди. Агроном ғўза етиштиришни билса бўлди эди. Ҳозир донли, дуккакли дон, мойли, ем-хашак, шоли, сабзавот, доривор ўсимликлар етиштириладиган ҳамда шу тизимни бошқарадиган тор соҳа ихтисослиги бўйича агрономлар ўта зарур.

Авваллари паррандачилик, ипакчилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, эчкичилик, йилқичилик ва бошқа тор ихтисосликларга умуман эътибор бўлмаган, десак муболаға бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар бир соҳани ўз эгаси, мутахассиси бошқариши юқори самара гаровидир. Тан олиш керак, кўплаб ҳолларда ушбу йўналишдаги уюшмаларни кадрлар билан таъминлаш катта муаммо бўлиб келди. Ҳақиқий кадрларни тайёрлаш эса йиллар талаб этади.

Мамлакатимиз ривожига таъсир этаётган барча сунъий тўсиқлар олиб ташланиши, тор соҳаларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар, моддий қўллаб-қувватлаш тор соҳа ихтисосликларини кескин ривожлантиришга катта туртки бўлмоқда. Айниқса, тадбиркорликнинг тубдан қўллаб-қувватланиши инқилобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Ана энди биз шу талабларга мос замонавий кадрларни тайёрлаб беришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Чунки бу инқилобий ўзгаришлар самарасини ёш кадрлар белгилайди. Шунинг учун ҳам университетда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараёнда фақат талабалар эмас, профессор ўқитувчиларнинг малакаси ҳам муҳим. Шу боис, сўнгги уч йил давомида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида 400 нафардан ортиқ раҳбар ва педагог ходимнинг малакаси оширилди.

Университетимиз жаҳоннинг соҳадаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни жадал кенгайтирмоқда. Жумладан, ICARDA, FAO, KOPIA, JAIKA, USAID ташкилотлари, Германиянинг ERASMUS+ дастури BUZNET лойиҳаси асосида Буюк Британия, АҚШ, Эстония, Италия, Португалиядаги нуфузли университетлар, Корея Республикасининг Конкук ҳамда Россиянинг аграр соҳадаги қатор олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Шу билан бирга, университет талабалари ва илмий изланувчи ёшларни Германия, Жанубий Корея, Хитой, Россия ва бошқа ривожланган давлатларга ўқиш ва малака оширишга юбориш йўлга қўйилмоқда.

Сўнгги йилларда университетимиз нафақат республика, балки жаҳонда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари ўртасида юритиладиган миллий рейтингда 15-ўриндамиз. Марказий Осиё ОТМлари ўртасида эса 38-ўринни эгалладик. Тўғри, бу борада қитъа ёки дунё миқёсида ҳали мақтанарли натижага эришмадик. Лекин бугунги кунда таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўлида қилинаётган ишлар келгусида халқаро рейтингларнинг юқори қисмидан ўрин эгаллашимизга замин яратади.

Тошкент давлат аграр университетини ривожлантириш стратегияси ҳамда "Йўл харитаси"да айни мақсадга қаратилган долзарб муаммо ва вазифалар қамраб олинган. Жумладан, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш йўналишида тупроқшунослик ва агрокимё, деҳқончилик ва мелиорация ҳамда бошқа кафедраларнинг ўқитиш дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Зарур ҳолатларда дарсликлар такомиллаштирилиб, қайта ёки янгидан чоп этилди.

Қишлоқ хўжалиги жуда кенг ҳамда мураккаб соҳа. Мураккаблиги унинг табиатга ва табиий ресурсларга бевосита боғлиқлигидир. Фаслга номутаносиб равишда кун исиб ёки совиб кетса, ёғингарчилик кам ёки кўп бўлса, ёхуд сел, дўл, кучли шамол, қиров каби табиий инжиқликлар бўлса, қишлоқ хўжалигида бу каби муаммолар келиб чиқаверади. Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича Тошкент давлат аграр университети ўқув тажриба хўжалиги тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича янги йўналиш белгиланган. Бу эса таълим — фан — кафедра — ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозир ўқиётган ёш кадрлар нафақат бугун, балки эрта ва кейинги давр талабларига ҳам тайёр бўлиши керак. Айтайлик, юртимизда йилдан-йилга сув танқис бўлиб бормоқда. Ҳозирги ҳолатга мос билим олган мутахассис 20 йил кейинги қурғоқчил шароитда нима қилиш кераклигини билмаса, унда саъй-ҳаракатларимиз зое кетган бўлади. Шунинг учун таълимда кейинги даврда бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам инобатга олиниб ўқитилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда катта потенциалга эга. Бугун таълим олаётган ёшлар эса кучли билим ва иқтидори билан эртага сарф-харажатларни янада қисқартириш, ҳосилдорликни ошириш, қўшилган қиймат яратишнинг тўлиқ занжирини ташкил этиш орқали янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши, экспорт кўрсаткичлари ошиши, янгидан-янги қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатиш турлари яратилишига хизмат қилади.








ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# GSP+ БЕНЕФИЦИАР МАҚОМИДА ЮКСАЛИШ

## ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор**



**Ўтган йили Ўзбекистон ва Франция ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш ва стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланган. Шу боис, ташқи сиёсат идоралари ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурларда маданий-тарихий мерос, мактабгача ва олий таълим, давлат хизматларини ривожлантириш каби соҳалардаги ҳамкорлик ўз аксини топган.**

Бошланиши 1-бетда

Икки мамлакат ўртасидаги интеграцион салоҳиятни Президентимизнинг 2018 йил октябрь ойида Францияга илк расмий ташрифи доирасида автотранспорт, туризм, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, космик тадқиқотлар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, маданият ва бошқа соҳаларга оид 10 та ҳужжат имзоланганида кўриш мумкин. Ўша ташрифда умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича шартномалар тузилган эди.

Жорий йил 1-2 ноябрь кунлари Франция Президенти Эммануэль Макроннинг расмий ташриф билан Самарқандга келгани ана шу прагматик ҳамкорлик ҳосиласидир. Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп қиррали иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш борасида музокаралар ўтказилди. Хусусан, савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция, таълим, фан ва маданий-гуманитар соҳаларда янги келишувларга эришилди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон юксак пиллапоялар бўйлаб дадил одимлаб бораётганига далил бўлади.





Ўзбекистон ва Франция делегациялари учрашувида ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда савдо-инвестициявий келишувлар имзолангани баробарида экспорт ҳажмини янада кенгайтириш ва оширишнинг энг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Икки давлат етакчилари товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони ортиши ҳисобига лойиҳалар қиймати 10 миллиард евродан ортиб бораётганини қайд этди. Хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан 1 миллиард евролик стратегик ҳамкорлик дастури амалга оширилаётгани мамнуният билан таъкидланди. Шунингдек, глобаллашув шароитида долзарб аҳамиятга эга "яшил" энергетика хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш, туризм ва бошқа соҳаларда янги йирик лойиҳаларни илгари суриш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда француз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани муносабати билан Франция альянсининг Самарқанддаги филиали очилгани тарихий воқеа сифатида қайд этилди. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Франция олий таълим муассасасини очишни тезлаштириш ҳамда француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишилди.

Давлатимиз раҳбари табиий ресурсларни қазиб олиш тармоғи, стратегик хомашё ресурсларини қайта ишлаш, гибрид, қуёш ва шамол электр станциялари қуриш, сув таъминоти тизимларини модернизациялаш, "ақлли" қишлоқ хўжалигини жорий этиш, шаҳар транспорти ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришга эътибор қаратди. Мамлакатимизда "яшил" энергетикадек муҳим соҳада стратегик ҳамкорликни ривожлантириш, EDF, "Voltalia" ва "Total Energies" компаниялари билан йирик лойиҳалар бошланиши барчани бирдек мамнун этди.

Ишбилармонлар ўртасидаги шерикликни илгари суриш учун Ўзбекистон — Франция савдо палатаси ишга тушиши ҳамда Тошкентда "Business France" агентлигининг офисини очиш режалаштирилаётганини алоҳида қайд этилди.

Бизнес-форумда энергетика, тоғ-кон саноати, сув таъминоти, транспорт, қишлоқ хўжалиги, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда катта натижаларга эришилаётгани таъкидланди. Франция ишбилармон доиралари билан самарали ва очиқ мулоқотни кенгайтириш учун янги платформаларни яратишга тайёрлик билдирилди.

Франция ҳукумати, етакчи компаниялари ва молия институтлари ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурини фаол қўллаб-қувватлашда давом эттиришидан манфаатдор эканини қайд этди.

Кооперациянинг яна бир муҳим йўналиши стратегик хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва илғор технологиялар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир. Бу соҳада "Orano" компанияси билан шерикликни кенгайтириш режалари ўрганилди. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва замонавий инфратузилмани барпо этиш, SUEZ, "Eiffage" ва "Veolia" компаниялари билан биргаликда юртимиз сув таъминоти ва иситиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Навбатдаги муҳим йўналиш сифатида қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Мамлакатимизда замонавий агрологистика мажмуалари қуриш бўйича Франция билан фаол ҳамкорлик қилиш истиқболлари белгилаб олинди.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Франция ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш ва стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланган. Шу боис, ташқи сиёсат идоралари ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурларда маданий-тарихий мерос, мактабгача ва олий таълим, давлат хизматларини ривожлантириш каби соҳалардаги ҳамкорлик ўз аксини топган. Шунингдек, фуқаролик авиацияси, коррупцияга қарши кураш, судьялар малакасини ошириш, француз тилини ўқитиш ва бошқа йўналишларда ҳужжатлар қабул қилинган.

Мазкур дастур доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган турли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича икки томонлама келишувлар олий даражадаги учрашувнинг аҳамияти нечоғлиқ юқори эга эканини кўрсатади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 10 баробар ошди. Ўзбекистон GSP+ бенефициари мақомини олгани ортидан мева-сабзавот, хусусан, ёнғоқ, тўқимачилик маҳсулотлари, гилам, электротехника буюмларининг айрим турлари экспортида ўртача ўсиш кузатилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз Франция ташқи бозордан етарли ҳажмда импорт қиладиган айрим турдаги маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмини оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Металлургия (мис, рух ва қора металл), кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари (тайёр кийим-кечак, гилам), мева-сабзавот ҳамда полимер, баъзи электротехника буюмлари шулар жумласидан.

Маълумотларга кўра, 2017 йилдан буён юртимизда Франция капитали иштирокидаги корхоналар сони 3,5 баробар кўпайган, 100 фоиз француз капиталига эга бўлганлари 13 тадан 46 тага ошган.

Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида энергетика, сув таъминоти, чорвачилик, сайёҳлик инфратузилмасини барпо этиш каби йўналишларда қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Булар Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станцияси, Сирдарё вилоятида комбинацион электр станцияси қурилиши, Сурхондарё вилоятида сув хўжалиги ва ичимлик сув таъминотини модернизация қилиш кабилардир. Ўзбекистонга келаётган француз сайёҳлари сонини кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш орқали туристик хизматлар экспорти ҳам истиқболли йўналишдир.

Франция билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб, кўпроқ тармоқ ва йўналишларни қамраб олган ҳолда диверсификация қилинмоқда. Бу ҳамкорлик истиқболлари ҳали фойдаланилмаган улкан ресурслардан самарали фойдаланишни кўзлайди.

МАЪНАВИЙ МЕЗОН

# “Калаванинг йипи топилгани сари...”

## Энг каттаислоҳот одам қалбидан, онгидан, тафаккуридан бошланади



**“Ҳақиқат фикрлар алмашувининг оқибатидир. Фикр фикрга доя. Инсон инсон билан, суҳбату анжуманлар билан тирик, барҳаёт... Хоссатан, суҳбатдошинг айтқонингни зийрак илғаса, фикр алмашувчилар посангиси тенг келса мунозара мағзи қуюқлашар. Шу қабилда калаванинг йипи топилгани сари сўз сўзга, жумла жумлага, мавзу мавзуга уланади. Ичингда қайнаб-тошаётган дардларингни хумордан чиқароқ тўкасан, сочасан. Билъакс, тингламоқ, тўғри уқмоқ қасдидаги инсонлар бўлмаса айтқон сўзларинг зое”, дейди таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Умид гули” номли ҳикоясида.**

Дарҳақиқат, давр мезонлари ва ҳақиқатлари фикрлашув ва қизғин мунозаралар жараёнида ойдинлашади. Суҳбатдошимизнинг мутолаа завқи, китобхонлик борасида билдирган мулоҳазалари шу мавзуда бизни ўйлантираётган баъзи саволлар ва муаммоларга жавоб бўлса, ажаб эмас.

**— Хуршид ака, бир суҳбатингизда ижодни мубталолик, деб таърифлагансиз. Назаримизда, асл китобхонлар ҳам мубталодирлар. Мутолаа қуввати ижоднинг тани, жони, руҳи, инсон юрагига нажот бағишловчи шуълага ўхшайди...**

— Китобга бўлган муҳаббат йигит-қизлар ўртасидаги муҳаббатга ўхшайди. Ҳар бир инсон ўз касбига, севган машғулотига, севимли инсонига мубтало бўлган сингари чин китобхонлик ҳам мубталоликдир. Биз ёзувчилар ҳам чин маънода китобга ашаддий мубталомиз. Ўқилмаган кунимиз умримизнинг бой берилган кунларидир. Бир яхши кўрган шеъримиздан тўрт қатор ўқиб қўйсак ҳам кўнглимиз яйрайди, қалбимиз уйғонади, инсоний туйғуларимиз чархланади, бировларга яхшилик қилгимиз келиб қолади. Ўқиётган одам тафаккур қилади. Зеро, инсонгина тафаккурга эга.

Киши яхши бир касб-кор, ҳунар эгаси бўлиши мумкин, моддий бойлиги етарлидир, бироқ мутолаасиз ҳаммаси кемтик, китоб ўқиб қалбини тарбияламаса, мубталолигини асраб-авайламаса, комиллигига путур етади. Ёзувчи Тоҳир Малик кўпинча “Биз ўқувчи эмас ёзувчимиз, ёзувчи одам ўқиши шарт эмас”, дея тагдор ҳазиллашарди. Ўқимаган одам ёзадими?! Ёзувчи ҳаётининг ярми ёзиш, ярми ўқишдан иборат, жиддий ўқиш эса бу меҳнат. “Ўткан кунлар”ни ёки “Қутлуғ қон”ни, “Улуғбек хазинаси”ни ўқиш оддий китобхон нуқтаи назаридан ўқиш бошқа, ёзувчи нуқтаи назаридан бутунлай бошқа мутолаа. Шу кунларда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳамма асарларини икки карра қайта ўқиб чиқдим. Ҳаётим давомида қайта-қайта ўн беш марталаб ўқиган китобларим бор. Ҳозир Абдулла Қаҳҳорнинг уй музейидан келяпман. Икки соатдан ортиқ ўша ерда ўтирдим, ўқидим. Ўзимизча Абдулла Қодирийни, Абдулла Қаҳҳорни яхши биламан, деб ўйлаймиз. Бундан йигирма йил, ўттиз йил олдин “Ўткан кунлар”ни, “Сароб”ни ўқиганларимиз бутунлай бошқача таассуротлар тақдим этган бўлса, бугунги кун одамлари кўзи билан қарасак, янги бир асар ўқиётгандек бўламиз. Ҳаётимиз ўзгаряпти, одамлар ўзгармоқда, лекин бундан бир неча йиллар олдин ёзилган асарларнинг моҳияти ўзгармаган, таъсир кучи, замон билан ҳамқадамлиги ўзгармаган, мўъжиза бу.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфиларни севиб ўқимасликнинг иложи йўқ. Бу эса мубталоликка қўйилган биринчи қадамлар, мутолаага ошиқликнинг бошланиш нуқтаси бўлса, ажабмас. Икки мисра бир қадам, у ёғи энди китобсеварлик... Маҳмудхўжа Беҳбудий зиёли бўлишни орзу қилган инсон камида тўртта тилни билиши керак, деган экан. Ҳозирги кунда ўнта тилни билсангиз ҳам камлик қиляпти. Юз йил олдин Беҳбудий бугунимиз ҳақида билган экан-да. Ўз она тилимизда, рус тилида ўқиганимиз оз, асарларни оригиналда ўқигимиз келади. Нашр этилаётган китобларнинг саноғи йўқ, мисоли чексиз уммон, тубсиз денгиз. Қани эди одам минг йил яшаса, худо минг йил умр берса-ю, ўша умрнинг саккиз юз йилини китоб мутолаасига бағишласанг. Ожиз ва осий банданинг ушалмас орзуси бу.

**— Энг яхши китобхонни қандай тасаввур қиласиз?**

— Мен ўзимни сўзга, китобга, адабиётга муносабат борасида Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг шогирдиман деб биламан. Умрим давомида бу инсонга тенг келадиган китобхонни кўрмадим. Энг нуфузли адабиётшунослар ҳам жаҳон адабиётини асосан, Ғарб ва Шарққа бўлиб тадқиқ этганлар. Иброҳим Ғафуров эса Ғарбу Шарқнинг беназир ўқувчиси, ҳар икки томон асарларини юрак томиридан ўтказиб ҳис этувчи билимдон китобхон. Устоз Достоевский, Хемингуэй, Жойс, Маркес, Мопассан, Тургенев, Айтматов сингари даҳо ижодкорларнинг энг сара асарларини халқимизга яқиндан таништирди. Жойснинг “Улисс” асарини ўқишнинг, тушунишнинг ўзи ҳар қандай ёзувчига осон бўлмайди. Унинг руҳига кириш учун ўн марталаб ўқиш керак, жаҳон адабиётидаги энг мураккаб асар таржимасини ҳақиқий маънода маънавий жасорат, десак муболаға бўлмас. Иброҳим Ғафуровнинг “Мангу латофат” китобида “Миллатнинг биллурланиши” деган сарлавҳали мақола бор. Бу биллурланишнинг бош мезони китобхонлик ва мутолаадир...

Устознинг китобга, мутолаага ташналиги, энг сара китобларни топиб ўқишга дўстлари, умуман, барча китобхонларни мунтазар ундар эди.

... ЦУМнинг ёнидаги дўконга Беккетнинг эсселари келадиган, шундан хабардор бўлиб турайлик... Вересаевнинг Гоголга, Пушкинга бағишланган тадқиқот-асарларини ўқиш керак... Талабалар шаҳарчаси яқинидаги эски китоблар дўконида Набоковнинг “Другие берега”си чанг босиб ётибди, ўқишни тавсия қиламан... Мишель Уэльбекнинг тўртта романини ўқидим, тафаккур сарҳадсизлиги, услуб хилма-хиллигини кўришни истасангиз ўқинг, деган даъватлари билан қанчадан-қанча китобларни ўқишимга сабабчи бўлган. “Мени китоб тарбиялаган, биринчи устозим китоб. Мен китобга ишонаман, китобга бўлган муҳаббатимни ҳеч қачон ўзгартирмайман”, деган қатъий қарори бор. Бу ишонч эътиқод билан чамбарчас боғлиқ.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Темур Пўлатовдек беназир китобхонлар билан суҳбатлашиб дунёни кезиб чиққандек бўлардим. Улар сизни катта ақл эгалари билан, истеъдодлар билан таништиради. Истаган кутубхонасига, истаган хонадонига олиб кириб дўстлаштиради. Мен Рюноскэ Акутагаванинг кимлигини қаердан билар эдим, мана шундай улуғ китобхонлар таништирганларидан сўнг унинг мухлисига айландим қолдим. Кэндзабуро Оэнинг ижодий лабораториясини, Кобэ Абэнинг услуб ва тафаккур дунёсини, Ясунари Кавабата илҳом асрорларини мутафаккир ўқувчилар таъсирида англадим. Маркес, Кортасар билан шунчаки қадрдон бўлиб қолмаганман, бунга ҳам сабабчилар бўлган. Менинг энг яқин дўстларимдан бири Фёдор Достоевский. Унинг оламдан ўтганига ҳам юз йиллардан ошиб кетди, лекин у қадрдон оғайним. Достоевский истаган одам билан дўст бўламан, деб қўлларини чўзиб турибди. Буюк инсон ёзганларимни ўқисанг ўзингни биласан, халқингни танийсан, демоқда. Ўзбекларни билмоқчи бўлсанг Лотин Америкаси халқлари ёзувчиларини ўқигин. Азалий саволларга жавобни уларнинг ёзганларидан топасан...

Давлатимиз раҳбари йиллар давомида ислоҳотлар учун интиляпти. Энг катта ислоҳот одамнинг қалбидан, онгидан, тафаккуридан бошланади. Аввало, инсоннинг руҳи янгиланиши керак. Китоб ўқимаган одамнинг руҳи қандай янгилансин ахир. Шунинг учун китоб танловлари ўтказилиб ғолибларга катта-катта совғалар беряляпти. Мен ҳам ўша танловларда ҳакамлар аъзоси сифатида иштирок этдим, очиғи, ҳавасим келди. Ўн тўрт, ўн беш ёшли йигит-қизлар 400 та 500 та китоб ўқиганман демоқда. Ана шундай илмли ёшларни кўрсак дилимиз ёришиб кетади, бошимиз осмонга етади, кўнглимиз ўсади.

**— Сиз нафақат таниқли ёзувчи, шу билан бирга, яхши китобхонсиз. Шу маънода ҳақиқий китобхонда уларни харид қилиш, ноёб асарларни топиб мутолаа қилиш, айни пайтда уни қизғониш билан боғлиқ кечинмалар ҳам бўлади.**

— Иш юзасидан таниқли файласуф олим, жамоат арбоби Сулаймон Азимовнинг кутубхонасида бўлиб, ўзимни худди китобларнинг мовий денгизига тушиб қолгандек ҳис этганман. Китобларга лиқ тўла жавонлар, қадимги юнон тарихидан тортиб, мамлакатлар тарихи, адабиёт, фалсафа, санъат, психология, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, нотиқликка оид китоблар, қомуслар ҳаммаси чинакам мўъжиза бўлиб кўринган. Домланинг зич қилиб тахланган китоблари орасидан Алексей Лосевнинг “Эстетика Возрождения” китобини суғуриб олиб варақлай бошлаганман. Бир-икки жумла ўқибоқ китобга шунчалар сеҳрланиб қолганманки, қани эди шу китоб сизга, деб юборсалар деган илинж вужудимни эгаллаб олган. Қизиқишим зўрлигидан хаёлимдаги шумликни тилимга ҳам чиқарганман, домла, китобни ўқишга бериб туриш маданиятига қандайсиз, деган саволимга “менда ундай маданият шаклланмаган”, дея кескин жавоб берган. Мана сизга китобга муҳаббат ва китобни қизғониш туйғуси. Домланинг яна бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди, ўшанда у киши мен китоблар билан тирикман, деган эди. Жавонидаги китобларнинг деярли ҳаммасининг ҳошиясига қоралама белги-аломатлар, луқмалар, таъкидлар, таҳлилий фикрлар, танқидий мулоҳазалар ёзиб чиққан эдики, мана шу битикларнинг ўзи китоб ҳақида китоб бўлгудек эди. Кейинчалик бу учрашувимиз ҳақида мақола ҳам ёзганман. Навбатдаги сафар кўришганимизда домла “Эстетика Возрождения”ни менга ўз дастхати билан совға қилди.

Китобсевар-китобйиғарлардан бири Мурод Хидирнинг уйи бамисоли кутубхона эди. Уларни кўриб, кўзингиз қувонади. Бироқ китобга ўта қизғончиқ бўлган Мурод Ҳидир ҳеч кимга китоб бермас экан. Бир куни уйига борганимизда Сартрнинг “Слова” деб номланган юпқагина китобини ўқишга бериб туринг, деб сўраганман. У қатъий оҳангда, йўқ деб туриб олган. Аввалига ҳазиллашяпти деб ўйладим, қарасам жиддий, бир ҳафтада аниқ қайтаришимни айтсам ҳам кўнмади. Қаттиқ хафа бўлганман. Дўстлар билан бир гурунгда астойдил ранжиганимдан мана шу қизғончиқлигини айтиб юборибман. Бир куни ишдан қайтиб келсам, оч қизғиш муқовали “Слова”ни кимдир уйимизга ташлаб кетибди. Бу китоб ўша воқеани кимдандир эшитиб қолган ёзувчи дўстимиз Олим Отахоннинг совғаси эди.

Китобга бўлган ишонч, китоб мутолаасига бўлган муҳаббат йўқолса, бу дунё ғариблашиб қолади. Баъзи бир одамлар истеҳзо билан, кулимсираб бизни “китобий” дейишади. Бизнинг китобий фикрларимиз уларнинг “ҳаётий” фикрларидан минг карра ҳаётийроқ, жозибалироқ. Марҳамат қилиб китоб ўқигин, қалбинг зарраларини чертиб, руҳингни уйғотиб юборсин роҳат қиласан, ўзингни бошқа одам деб ҳис этасан.

**— Агар бир китобхон кунига 50 саҳифадан ўқиса, 50 йил давомида ўртача 300 бетли китобдан 3 мингта мутолаа қиларкан. Биргина Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонамиз 7,3 миллион китоб фондига эга. Кутубхонада кунига ўнтадан китобни кўздан кечириб чиқсак ҳам уларнинг ҳаммасини варақлаб кўриш учун 2000 йил вақт сарфлашга тўғри келади. Инсон умри китоблар саноғи олдида қанчалар қисқа. Оноре де Бальзак ҳар қандай романни ярим соатда ўқиб тугатган экан. Сизнинг ўқиш тезлигингиз ва услубингиз қандай?**

— Доимо ёнимда китоб юради, бир йўла икки-учта китоб ўқийман. Минг афсус, бошқалардек тез ўқиш сир-асрорларини ўрганмадим. Ўқиган ҳар қандай китобимга чизиб, белгилар қўйиб, таассурот ва фикрларимни қоғозга тушириб ўқишга ҳаракат қиламан. Болалик йилларимда, ёшлигимдан қанчадан-қанча асарлар ўқимай, ҳақиқий жиддий китоб ўқишни ўттиз ёшларимда ўргангандекман. Ҳаётимда жиддий ўзгариш ясаган китоб “Эстетика поведения” (“Ҳулқ-атвор нафосати”) мақолалар тўплами бўлган десам хато қилмайман. Бу китобни уч марта қайта-қайта ўқиганман. Менинг феълимни, дунёқарашимни тубдан ўзгартирган китоб шу. Ҳатто журналистика факултетидаги сабоқдош дўстларимни ҳам шу китобни ўқишга мажбурлаган пайтларим бўлган. Мен бу китобни “Фаросат китоби”, “Назокат китоби” деган бўлардим, уни ўзбек тилига таржима қилиб, ҳар бир келиннинг сепига қўшиб қўйишни таклиф этардим.




Ўзбек адабиётига оид ҳамма китобларни битта қўймай ўқиганман десам ишонинг. Москвада, шунингдек, Болтиқбўйи Республикалари, Грузия, Озарбайжонда нашр этиладиган адабий-бадиий газета-журналларга обуна бўлар эдим. Айрим мақолаларни эринмай дафтарга кўчириб ёзиб чиққанман. Мени ҳақиқий маънода ақлдан оздирган асарлар Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, “Телба” романлари. Адибнинг “Бечора кишилар”, “Ўлик уйдан мактублар” романлари бадиий асар ҳақидаги тушунчаларимни остин-устун қилиб юборган. Леонид Андреев, Андрей Платонов, Акутагава Рюноскэ, Кендзабуро Оэ, Стефан Цвейг яна кейинроқ Франц Кафка, Альбер Камю, Лотин Америкаси адабиёти намояндаларининг бетакрор асарларини сабоқдош тенгқурларим билан талашиб-тортишиб ўқиганмиз. Доғистонликларнинг Расул Ҳамзатови, қирғизларнинг Чингиз Айтматови, озарларнинг Анори, арманларнинг Грант Матевоясани, гуржиларнинг Нодар Думбадзеси сафида қаддини ғоз тутиб турадиган адибимиз Темир Пўлатов насридан ҳам кўп таъсирланганман. Бир вақтлар унинг ҳар бир асаридаги воқеликлар, қаҳрамонлар тасвирини ёддан айтиб бера олардим. Умрнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиш, қимматли фурсатларни мутолаага бағишлаш оғриғи ҳамиша қийнайди.

Нашриётлардан бирида ҳали дунё юзини кўрмаган, ўзининг чоп этилиш муддатини тоқат билан кутиб ётган битиклар орасидан Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” деб номланган қўлёзмасини топиб олганман. Чанг босиб ётган асарни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, тасаввуримдаги дунё тамомила ўзгарди. Қайтадан туғилгандек, ўқишни, ҳарфларни қайтадан ўргангандек, китоб ўқиш машқини қайтадан кашф этгандек эдим. Комиллик сирларини ўрганиш орзуси қалбимни бутунлай ишғол этди. Орадан бир неча йил ўтиб, ўша қўлёзма китоб ҳолида чоп этилгач яна қайта ўқидим ва англадим тасаввуф таълимоти бутун инсоният тафаккурини илоҳий неъмат сифатида бир нуқтада жамлайди. Одамларни дунёвий нафс занжирларидан огоҳ этиб илоҳий Уйғониш чўққиларига етаклайди… Ўша кезлар тасаввуф илмига доир Н.Комиловнинг икки жилдлик китобидан бошқа ҳеч нарса тополмас эдик, ҳозир алломаларнинг қатор-қатор битиклари, кўплаб таржима асарлар мавжуд, уларнинг ҳаммасини ўқигинг келади. Яна бир нарсани айтишим керак, адибларнинг беш жилд, ўн жилд, ўттиз жилдлик сайланма асарлари бор, ҳақиқий китобхон шуларнинг ҳаммасини бир бошидан қолдирмасдан ўқишга одатланиши керак. Шунда ёзувчи дунёқарашининг эволюцияси аниқлашади. Оноре де Бальзакнинг мутолаасини бошладикми 30 томини эринмасдан ўқиш керак. Лев Толстойни ўқишни бошласангиз 90 жилдигини диққат-эътибор билан кўздан кечириб чиқиш учун қанча вақтингиз кетса ҳам аямаслигингиз, чидам ва завқни уйғунлаштириб ўқишингиз лозим. Ҳали бир марталик ўқиш ҳақида гапиряпмиз. Икки марта ўқиш учун умримиз вафо қилармикан? Дунёда китобларнинг саноғи йўқ, лекин бир вақтлар ўқиган асарларингизни яна соғинасиз, қайта ўқишни истайсиз, ўша қаҳрамонлар хаёли билан яшагингиз, севимли ёзувчингиз билан суҳбатлашгингиз келади. Ҳаётнинг жуда катта парадокси бу. Бир умрда қанча китоб ўқиш мумкин, мутолаанинг охири йўқ, улгуриш керак, улгуриш...



> **Бугун ёшларимизнинг қўлидаги телефонда бутун дунё кафтдек намоён. Очиғи, телефон орқали ўқиш ҳам керак, лекин бу жиддий мутолаа эмас. Уяли алоқа воситаларини чеклашнинг имкони, иложи, ҳожати ҳам йўқ, у ҳам ўз вазифасини ўташи шарт. Қўлига китоб олиб, иложи бўлса тагига чизиб, алоҳида бир дафтарга ёзиб ўқиш бу мутлақо бошқа таассурот.**

**— Айни лаҳзаларда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг шахсий кутубхонасини хаёлан тасаввур қилишимиз учун имкон бериб, у ҳақда ўзингиз сўзлаб берсангиз?**

— Шахсий кутубхонамнинг энг катта муаммоси жой масаласи. Ҳар куни кўчадан уйга кириб боришимизда, албатта, қўлимизда иккита китоб бўлади. Умр йўлдошим қўлимдаги китобларни кўриб энди буларни қаерга жойлайсиз, деб таажжубланади. Хонадонимизда чердак ҳам, болахона ҳам, йўлак, ертўла ҳам, меҳмонхона, ётоқхона ҳам китоб билан тўла. Булар менинг ҳаётда топган энг катта мулким, бойлигим. Орасида ўқимаганларим ҳам бор бўлиши мумкин. Асқад Мухторнинг яхши гапи бор. Сотиб олган китобларинг эмас, ўқиган китобларинг сеники, дейди адиб. Кутубхонамда Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг дастхат ёзиб берган китоблари бор. Эркин Воҳидовнинг деярли барча китобларида дастхат битилган. Раҳматли Озод Шарафиддиновнинг уйидаги юзлаб китобларда дастхат бўларди, кўриб ҳавас қилардим. Шундай пайтлар бўладики, бир китобни тўрт-беш марта ўқишга тўғри келади. Агар Эркин Воҳидовни соғинсам, у кишининг китобларини, Ҳалима Худойбердиевани соғинсам, опанинг шеърларини бир варақлаб қўйсам ҳам кўнглим таскин топади. Рауф Парфи, Асқад Мухтор изтиробларга тўла шеърларини қай ҳолатда ёзган бўлса ўша ҳолатга яқин кечинмалар қалбимдан ўтади. Омон Матжоннинг фалсафалари осмондан тушмаган, тасодиф эмас. Бир инсоннинг бутун вужуди билан ўқиган, ўрганганларининг маҳсули, хулосаси, ҳосили. Китоб билан ишлаш энг ҳузурли иш. Яхшиям инсонга шу бахт ато этилган. Мен китобсевар одамларни яхши кўриб кетаман. Бағримга босиб қучгим келади. Китобни яхши кўраман, деса ол дейман, хоҳлаганингни олиб ўқи. Баъзиси қайтади, баъзиси қайтмайди. Қайтмаган арзанда китобларим ҳам бор. Начора, қисмат экан, чидайман, аламимдан тилимни тишлайман. Барибир уйимга кимдир китоб сўраб келса йўқ, дея олмайман. Шундай танишларим, қариндошларим борки, мунтазам китоб алмашиб ўқиб туради, мен уларни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Мутолаасиз инсоннинг ҳаёти ниҳоятда зерикарли, тасаввур қилиб бўлмас даражада ғарибдир. Одамлар мана шу ҳақиқатни ҳис этсалар, англасалар эди. Энг катта кашфиёт нима бўларди, биласизми? Инсонларда китобга муҳаббат уйғотадиган бир элексир ишлаб чиқарилса эди, бошқа ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетар эди.

Бугун ёшларимизнинг қўлидаги телефонда бутун дунё кафтдек намоён. Очиғи, телефон орқали ўқиш ҳам керак, лекин бу жиддий мутолаа эмас. Уяли алоқа воситаларини чеклашнинг имкони, иложи, ҳожати ҳам йўқ, у ҳам ўз вазифасини ўташи шарт. Қўлига китоб олиб, иложи бўлса тагига чизиб, алоҳида бир дафтарга ёзиб ўқиш бу мутлақо бошқа таассурот. Ҳозир дунёда электрон нашрлар билан босма нашрларнинг қайсидир даражада рақобати кечяпти. Бизнинг авлод вакиллари босма нашр, газета, журналсиз ҳаётларини тасаввур эта олмайди. Газета, журнал ўқиган ва ўқимаган одамларнинг маданияти, ички дунёси, қарашлари, фикрлашида кескин фарқ билинади. Ўқимаганларнинг ўзлари бу камчиликларини билмасликлари мумкин, чунки улар ўз айбларини англамайдиган одамлар...

**— Халқимизга тортиқ этган асарларингиз ва бугунги самимий суҳбат учун ташаккур.**

**Дилдора МАРДИЕВА суҳбатлашди.**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.
43313 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 23:00